ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУЙЧИЕВ ҒУЛОМ НУМОНОВИЧ

ЯГОНА АЛГОРИТМГА АСОСЛАНГАН ФУНКЦИОНАЛ ЛАЙ–МЕССИ ТАРМОҒИ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

05.01.05–Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ФИЗИКА–МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2017

УДК: 004.056.55

Физика–математика фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по физико–математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc) on physico–mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУЙЧИЕВ ҒУЛОМ НУМОНОВИЧ

ЯГОНА АЛГОРИТМГА АСОСЛАНГАН ФУНКЦИОНАЛ ЛАЙ–МЕССИ ТАРМОҒИ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

05.01.05–Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ФИЗИКА–МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2017

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/FM3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZIYONET» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Арипов Мирсаид Мирсидикович** физика–математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Каримов Маджит Маликович** техника фанлари доктори, профессор
	Касимов Надимулло Хабибуллаевич физика–математика фанлари доктори, профессор
	Утеулиев Ниетбай Утеулиевич физика–математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**«UNICON.UZ» ДУК**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM.01.02 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Ташкент, Талабалар шаҳарчаси, Университет–4 кўчаси. Тел.:(99871) 246–02–24; факс:(99871) 246–53–21; e–mail: info@nuu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Ташкент, Талабалар шаҳарчаси, Университет–4 кўчаси. Тел.:(99871) 246–02–24; факс:(99871) 246–53–21; e–mail: info@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2017 йил «____»_____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___»_____даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Р.Марахимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

З.Р.Рахмонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, ф.–м.ф.д.

Р.Д.Алоев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, ф.–м.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда криптография ахборот хавфсизлиги соҳасида муҳим ўрин эгаллайди. «Криптографиянинг ахборотни ҳимоялашдаги аҳамияти у қўлланиладиган ва кўпчилик инсонларнинг манфаатларига дахл қиладиган соҳалар кенгайиши баробарида ошиб бормоқда»[1]. Дунё миқёсида ахборот технологияларининг жадал ривожланиши билан ахборотни ҳимоялашга бўлган эҳтиёж ортмоқда ва кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада шифрлаш алгоритмлари операцион тизимларнинг ажралмас қисмига айланган ва ахборотларни узатиш, сақлаш, қайта ишлаш жараёнида кенг татбиқ этилишига талаб ортиқ бормоқда. Шу сабабли, шифрлаш ва дешифрлашда битта алгоритмдан фойдаланиладиган тармоқлар, тармоқ асосида шифрлаш алгоритмлари, шифрлаш алгоритмлари учун S–блоклар ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Блокли шифрлаш алгоритмлари, S–блоклар ишлаб чиқиш соҳасида жаҳонда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, шифрлаш ва дешифрлашда битта алгоритмдан фойдаланиладиган тармоқ, тармоқ асосида шифрлаш алгоритмлари, бардошли S–блоклар ишлаб чиқиш, шифрлаш алгоритмларини бардошлигини баҳолаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда криптография соҳасини самарали ривожланишига ҳамда бардошлиги юқори бўлган шифрлаш алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан бардошлилиги юқори бўлган шифрлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, шифрлаш алгоритмлари асосида тузилган дастурий таъминот ва дастурий аппарат воситалари, функционал Фейстел тармоқларини яратиш, криптографик акслантиришлар бардошлилигини баҳолаш усулларини яратишга бағишланган қатор илмий–тадқиқотлар олиб борилган ва сезиларли натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида муносиб қаршилик кўрсатишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон амалиётида шифрлаш ва дешифрлашда битта алгоритмдан фойдаланиладиган ва раунд функциядан ташкил топган тармоқ, бу тармоқга асосланган шифрлаш алгоритмлари ва улар учун бардошлилиги юқори бўлган S–блоклар ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотлар, жумладан, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда: шифрлаш ва дешифрлашда битта алгоритмдан фойдаланиладиган тармоқлар ва улар асосида шифрлаш алгоритмларини яратиш, шифрлаш алгоритмлари бардошлигини баҳолаш, бардошли S–блок ишлаб чиқиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

[1] Ростовцев А.Г. Алгебраическое основы криптографии, 2000 г.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 апрелдаги ПҚ–614–сон «Ўзбекистон Республикасида ахборотнинг криптографик ҳимоясини ташкил этиш чора–тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 ноябрдаги 242–сон «Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш туғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»га фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши–нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот–коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий–тадқиқотлар шарҳи[2]. Шифрлаш ва дешифрлашда ягона алгоритмга асосланган тармоқлар ишлаб чиқиш, AES, ГОСТ 28147–89, IDEA, PES шифрлаш алгоритмларини бардошлилигини баҳолаш, S–блоклар ишлаб чиқиш ва бардошлигини баҳолаш усулини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Bar Ilan University, University of Haifa, Tel Aviv University, Weizmann Institute (Исроил), Katholieke University Leuven (Белгия), Криптография Академияси, Москва давлат университети, Жанубий федерал Университет (Россия), University of Luxembourg (Люксембург), Dian Ji University, Jiaotong University (Хитой), Swiss Federal Institute of Technology (Швейцария), Vienna Technical University (Австрия), Lyon University (Франция), University College London (Англия), University of California, Conterpane Internet Security (АҚШ), Indian Statistical Institute (Ҳиндистон), Korea University (Корея), Nanyang Technological University (Сингапур), Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, «UNICON.UZ» ДУКда (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий–тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

PES, IDEA, AES ва ГОСТ 28147–89 шифрлаш алгоритмларига криптотаҳлил усуллари қўллаш, шифрлаш ва дешифрлашда ягона алгоритмдан фойдаланиладиган тармоқлар ишлаб чиқиш, бардошли S–блоклар ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: 6.5 ва 7 раундли IDEA шифрлаш алгоритмига Related key rectangle криптотаҳлил усули қўлланилган ва 7 раундли шифрлаш алгоритми учун 2^{65} очиқ матн–

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Жанубий федерал Университет, University of Haifa, Swiss Federal Institute of Technology, Katholieke University Leuven, Indian Statistical Institute, University of California ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган

шифрматн жуфтлиги талаб этилиши аниқланган (Bar Ilan University, University of Haifa, Tel Aviv University, Исроил); 7 раундли PES шифрлаш алгоритмига дифференциал криптотаҳлил усули қўлланилган ва 2^{64} очиқ матн–шифрматн жуфтлиги талаб этилиши аниқланган (Swiss Federal Institute of Technology in Zurich, Швейцария); 7 ва 8 раундли AES–128, AES–192, AES–256 шифрлаш алгоритмига Impossible Differential криптотаҳлил усули қўлланилган ва 2^{91} дан кўп очиқ матн–шифрматн жуфтлиги талаб этилиши аниқланган (Bar Ilan University, University of Haifa, Исроил); ГОСТ 28147–89 шифрлаш алгоритмига алгебраик криптотаҳлил қўлланилган, S–блоклари учун тенгламалар олинган ва XSL усули билан ечилган, 2^{38} очиқ матн–шифрматн жуфтлиги талаб этилиши аниқланган (Жанубий федерал Университет, Россия); Фейстел тармоғи, унинг такомиллашган кўриниши, кенгайтирилган Фейстел тармоғи (IBM, Conterpane Internet Security, University of California, АҚШ), Лай–Месси схемаси ва унинг кенгайтирилган кўриниши ишлаб чиқилган (Swiss Federal Institute of Technology, Швейцария, Dian Ji University, Jiaotong University, Хитой); алгебраик чизиқсизлик даражаси ва чизиқсизлиги юқори S–блоклар генерация қилиш усуллари яратилган (Vienna Technical University, Katholieke Universite Leuven, Бельгия); чизиқсизлиги юқори буль функциялар генерация қилиш усуллари яратилган (Indian Statistical Institute, Ҳиндистон, University of Science and Technology of China, Хитой, University of Alabama, АҚШ).

Дунёда шифрлаш ва дешифрлашда битта алгоритмдан фойдаланиладиган тармоқлар, мазкур тармоқлар асосида шифрлаш алгоритмлари, бардошли S–блоклар ишлаб чиқиш ҳамда шифрлаш алгоритмларини бардошлигини баҳолаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: мавжуд шифрлаш ва дешифрлашда битта алгоритмдан фойдаланиладиган тармоқларларни такомиллаштириш; мазкур тармоқлар асосида шифрлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш; шифрлаш алгоритмлари учун бардошли S–блоклар генерация қилиш усулларини яратиш; шифрлаш алгоритмларни бардошлигини баҳолаш; чизиқсизлиги юқори бўлган буль функциялар генерация қилиш усулларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда шифрлаш ва дешифрлашда бита алгоритмдан фойдаланиладиган Лай–Месси схемасини таҳлил этиш, мазкур схема асосида шифрлаш алгоритмлари ишлаб чиқиш, таҳлил этиш масалалари бир қатор олимлар: E.Biham, O.Dunkellman, Z.Gong, P.Junod, N.Keller, X.Lai, J.Lee, Y.Luo, M.Macchetti, J.Massey, J.Nakahara, J.Park, B.Preneel, J.Rijmen, S.Vaudenay, J.Vandewalle, Z.Wu, A.Yun, М.Арипов, М.Бондаренко, И.Горбенко, В.Долгов, Р.Олейников, В.Руженцев ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

AES, ГОСТ 28147–89 шифрлаш алгоритмларини таҳлил этиш, бардошлигини криптотаҳлил усулларига баҳолаш, алгебраик чизиқсизлиги юқори бўлган S–блок ва буль функциялари генерация қилиш масалалари билан боғлиқ тадқиқотлар бир қатор олимлар томонидан олиб борилган, жумладан: M.Aref, B.Bahrak, A.Canteaunt, C.Carlet, P.Charpin, J.Clark,

N.Courtois, I.Dinur, O.Dunkelman, D.Feng, N.Ferguson, C.Fontaine, H.Gilbert, G.Ivanov, J.Jacob, S.Kavut, N.Keller, J.Kelsey, J.Kim, S.Lucks, J.Lu, S.Maitra, M.Minier, W.Millan S.Nikova, N.Nikolov, K.Nyberg, B.Schneier, A.Shamir, M.Stay, P.Stanica, S.Stepney, S.Sung, D.Wagner, D.Whiting, W.Wu, M.Yusel, W.Zhang, X.Zhang, Б. Абдурахимов, Л.Бабенко, Е.Маро, В.Рудской каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Шу билан бирга шифрлаш ва дешифрлашда битта алгоритмдан фойдаланиладиган тармоқ, бу тармоқ асосида шифрлаш алгоритмлари яратиш, бардошли S–блоклар ишлаб чиқиш бўйича етарли даражада илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режаси «Амалий математика ва информацион технологияларнинг долзарб муаммолари» (2012–2016) мавзуси лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Лай–Месси тармоғи, бу тармоқга асосланган янги шифрлаш алгоритмлари ишлаб чиқиш ва бардошли S–блоклар генерация қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Лай–Месси схемаси ва IDEA, PES, AES, ГОСТ 28147–89 шифрлаш алгоритмларини, S–блокларни бардошлигини баҳолашда қўлланиладиган буль функциялар хоссаларини таҳлил этиш;

шифрлаш ва дешифрлашда ягона алгоритмдан фойдаланиладиган ва раунд функциялардан ташкил топган Лай–Месси тармоқлари яратиш;

Ниберг конструкцияси асосида бардошли 8x8, 4x4 ўлчамли S–блоклар ишлаб чиқиш;

AES ва ГОСТ 28147–89 шифрлаш алгоритмлари раунд функциясини Лай–Месси тармоқлари раунд функцияси сифатида қўллаш натижасида янги шифрлаш алгоритмлари яратиш;

ишлаб чиқилган шифрлаш алгоритмлари бардошлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти Лай–Месси тармоқлари, Ниберг конструкциясидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети AES ва ГОСТ 28147–89 шифрлаш алгоритмлари раунд акслантиришларини Лай–Месси тармоқлари раунд функцияси сифатида қўллаш натижасида яратилган янги шифрлаш алгоритмлари, S–блоклар ва буль функциялари ишлаб чиқиш усуллари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация натижалари тизимли ва татбиқий дастурлаш, татбиқий криптография усуллари асосида олинган ва комбинаторика, математик логика, эҳтимоллар назариясидан фойдаланилган, янги шифрлаш алгоритмлари ва бардошли S–блок, буль функцияларлар ишлаб чиқиш усулларида дастурлаш технологияси қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

IDEA шифрлаш алгоритми структураси ва Лай–Месси схемасидан фойдаланган ҳолда IDEAX–Y, RFWKIDEAX–Y кўринишдаги Лай–Месси

тармоқлари яратилган;

PES шифрлаш алгоритми структураси ва Лай–Месси схемасидан фойдаланган ҳолда PESX–Y, RFWKPESX–Y кўринишдаги Лай–Месси тармоқлари яратилган;

AES шифрлаш алгоритми раунд функциясини Лай–Месси тармоқлари раунд функцияси сифатида қўллаш натижасида AES–IDEAX–Y, AES–RFWKIDEAX–Y, AES–PESX–Y, AES–RFWKPESX–Y кўринишдаги шифрлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ГОСТ 28147–89 шифрлаш алгоритмлари раунд функциясини Лай–Месси тармоқлари раунд функцияси сифатида қўллаш натижасида GOST28147–89–IDEAX–Y, GOST28147–89–RFWKIDEAX–Y, GOST28147–89–PESX–Y, GOST28147–89–RFWKPESX–Y кўринишдаги шифрлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

Ниберг конструкцияси асосида бардошли 8x8, 4x4 ўлчамли S–блоклар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

IDEAX–Y, RFWKIDEAX–Y, PESX–Y, RFWKPESX–Y кўринишдаги Лай–Месси тармоқлари ишлаб чиқилган;

Ниберг конструкцияси асосида бардошлилиги юқори ўлчами 4x4, 8x8 бўлган S–блоклар ишлаб чиқилган ва дастурий таъминоти яратилган;

AES ва ГОСТ 28147–89 шифрлаш алгоритмлари акслантиришларини Лай–Месси тармоқлари раунд функцияси сифатида қўллаш ҳисобига янги шифрлаш алгоритмлари ва дастурий таъминоти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳисоблаш экспериментлари натижаларини умумқабул қилинган мезонлар асосида қатъий таққослаш орқали исботланади ва сонли тадқиқотлар натижалари билан тасдиқланади. Барча шифрлаш алгоритмлари ва S–блок, буль функциялари ишлаб чиқиш усуллари дастурий таъминоти тузилган ва текширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сифатида Лай–Месси тармоқлари, шунингдек, Ниберг конструкцияси асосида бардошли S–блок ва буль функциялари ишлаб чиқиш усули хизмат қилади.

Тадқиқотда олинган натижаларининг амалий аҳамияти AES ва ГОСТ 28147–89 шифрлаш алгоритмлари раунд акслантиришлари Лай–Месси тармоқлари раунд функцияси сифатида қўллаш ҳисобига бардошли ва тезлиги юқори бўлган янги шифрлаш алгоритмлари ахборотларни узатиш ва сақлаш жараёнида ҳимоялашда, бардошли S–блоклар эса блокли шифрлаш алгоритмлари ишлаб чиқишда кенг кўламда қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ягона алгоритмга асосланган функционал Лай–Месси тармоғи асосида:

AES шифрлаш алгоритми раунд акслантиришларидан фойдаланилган ҳолда яратилган AES–IDEA32–4 шифрлаш алгоритми «UNICON.UZ» ДУК да «Himfayl» дастурий таъминотида маълумотларни шифрлаш орқали ҳимоялашда қўлланилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини

ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 29 майдаги 33–8/3256–сон маълумотномаси). AES–IDEA32–4 шифрлаш алгоритмида калит узунлиги ва раундлар сонини танлаш имконияти мавжудлиги, ихтиёрий форматдаги файлларни ҳимоялашда қўллаш шифрлаш тезлигини 17% га ошириш имконини берган;

ГОСТ 28147–89 шифрлаш алгоритми раунд акслантиришлари асосида яратилган GOST28147–89–IDEA16–2 шифрлаш алгоритмидан «UNICON.UZ» ДУК «Himfayl» тизимида ихтиёрий форматдаги файлларни хавфсизлигини таъминлаш максадида фойдаланилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 29 майдаги 33–8/3256–сон маълумотномаси). GOST28147–89–IDEA16–2 шифрлаш алгоритмларида калит узунлиги ва раундлар сонини танлаш имконияти мавжудлиги, ихтиёрий форматдаги файлларни ҳимоялашда қўллаш шифрлаш тезлигини 21% га ошириш имконини берган.

AES–PES16–1, AES–RFWKPES16–1, AES–RFWKPES32–1, AES–RFWKIDEA32–1 шифрлаш алгоритмлари етакчи хорижий журналларда (International Journal of Network Security, vol.19, No.6, pp.899–903, Nov. 2017; International Journal of Network Security, vol.19, No.6, pp.984–994, Nov. 2017; International Journal of Network Security, vol.19, No.3, pp.413–420, May 2017; Displays, vol.49, pp.116–123, Sep. 2017) симметрик алгоритмларга асосланган криптографик моделлар яратишда қўлланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши H–вектор функция характеристикаларини аниқлашга, бинар тасвирларда маълумотларни яширишга ва катта ҳажмдаги тасвирларни ҳимоялашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 7 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола (13 та республика ва 8 та хорижий журналларида) чоп этилган, ҳамда 6 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Лай–Месси схемаси таҳлили ва Ниберг конструкцияси асосида S–блок, буль функциялари генерация қилиш»** деб номланган биринчи бобида Лай–Месси схемаси, бу схемага асосланган PES ва IDEA шифрлаш алгоритмлари таҳлил этилган, шифрлаш алгоритмларига қўлланилган криптотаҳлил усуллари натижалари келтирилган. Ниберг конструкцияси асосида S–блок ва буль функциялари генерация қилиш усуллари, янги шифрлаш алгоритмлари яратишда қўлланилган AES ва ГОСТ 28147–89 шифрлаш алгоритмлари акслантиришлари таҳлили келтирилган.

n–раундли Лай–Месси схемаси шифрлаш ва дешифрлаш жараёни 1 ва 2–расмларда келтирилган. Лай–Месси схемасида *F*–раунд функция, *H*–акслантириш ва K_0, K_1, ..., K_n раунд калитлари бўлсин. Очиқ матн блоки L_0 ва R_0 қисмларга бўлинади. Ҳар бир раундда қуйидагича акслантиришлар амалга оширилади:

$$(L'_{i+1}, R'_{i+1}) = H(L'_i + T_i, R'_i + T_i),$$

бу ерда $T_i = F(L'_i - R'_i, K_i)$ ва $(L'_i, R'_i) = H(L_0, R_0)$. Шифрматн сифатида $(L_{n+1}, R_{n+1}) = (L'_{n+1}, R'_{n+1})$ қийматлар олинади.

Фейстел тармоғи ва Лай–Месси схемасида шифрлаш қуйидагича амалга оширилади:

Фейстел тармоғи	Лай–Месси схемаси
1. $L_0 \leftarrow x_L$, $R_0 \leftarrow x_L$,	1. $\alpha_0 \leftarrow x_L$, $\beta_0 \leftarrow x_L$,
2. $L_{i+1} \leftarrow R_i$, $R_{i+1} \leftarrow L_i \oplus F(R_i)$,	2. $\alpha_{i+1} \leftarrow \alpha_i + F(\alpha_i - b_i)$, $\beta_{i+1} \leftarrow \beta_i + F(\alpha_i - \beta_i)$,
3. $y_L \leftarrow L_n$, $y_R \leftarrow R_n$.	3. $y_L \leftarrow \alpha_n$, $y_R \leftarrow \beta_n$.

Лай–Месси схемасида Фейстел тармоғи каби шифрлаш ва дешифрлашда битта алгоритмдан фойдаланилади, фақат раунд калитлари тескари тартибда қўлланилади ва H^{-1} акслантиришни ҳисоблаш талаб этилади.

Лай–Месси схемаси псевдохаотик (pseudorandomness) бўлиш учун учта, кучли псевдохаотик бўлиши учун тўртта раунд етарли. Демак, псевдотасодифий функциядан псевдотасодифий ўрин алмаштириш қуриш учун уч раундли, кучли псевдотасодифий ўрин алмаштириш қуриш учун тўрт раундли Лай–Месси схемаси етарли.



1–расм. *n*–раундли Лай–Месси схемаси шифрлаш жараёни



2–расм. *n*–раундли Лай–Месси схемаси дешифрлаш жараёни

PES (Proposed Encryption Standard) шифрлаш алгоритми 1991 йилда С. Лай (X. Lai) ва Ж. Месси (J. Massey) томонидан яратилган бўлиб, Лай–Месси схемасига асосланган. Шифрлаш алгоритми калит узунлиги 128 бит ва блок узунлиги 64 битга тенг, 8 раунд ва чиқувчи акслантиришдан иборат. 7 раундли PES алгоритмига дифференциал криптотаҳлил усули қўлланилди, шифрни очиш учун 2^{64} та очиқ матн–шифрматн жуфтлиги талаб этилиши маълум бўлди. Сўнгра PES шифрлаш алгоритми қайта ишлаб чиқилди ва IPES (Improved PES) деб номланди. 1992 йилда IPES шифрлаш алгоритми IDEA (International Data Encryption Algorithm) деб номланди. Алгоритм калит узунлиги 128 бит ва блок узунлиги 64 битга тенг, 8 раунд ва чиқувчи акслантиришдан иборат. Шифрлаш алгоритмларига бир неча криптотаҳлил усуллари қўлланилган бўлиб, натижалари 1 ва 2–жадвалда келтирилган.

1–жадвал

PES алгоритмига қўлланилган криптотаҳлул усуллари натижалари

Ҳужум тури	Раундлар сони	Танлаб олинган матнлар сони	Сарфланган вақт (амаллар сони)
Differential	7	2^{64}	2^{160}
SQUARE	2.5	2^{17}	2^{47}
SQUARE	2.5	2^{32}	2^{63}
Related–Key SQUARE	2.5	2	2^{41}

2–жадвал

IDEA шифрлаш алгоритмига қўлланилган ҳужум натижалари

Ҳужум тури	Раундлар сони	Танлаб олинган матнлар сони	Сарфланган вақт (амаллар сони)
Differential	2.5	2^{10}	2^{106}
SQUARE	2.5	2^{48}	2^{79}
Differential–Linear	3	2^{30}	2^{44}
Differential	3	2^{30}	$0.75 * 2^{44}$
Truncated Differential	3.5	2^{56}	2^{67}
Miss–in–the–middle	4	2^{37}	2^{70}
Related–Key Differential–Linear	4	$2^{38.3}$	–
Miss–in–the–Middle	4.5	2^{64}	2^{112}
Meet–in–the–middle	5	2^{24}	2^{126}
Linear	5	2^{19}	2^{103}
Higher–order Differential–Linear	5.5	2^{32}	2^{114}
Higher–order Differential–Linear	6	2^{64}–2^{52}	$2^{126.85}$
Related key rectangle	7	2^{65}	$2^{104.2}$

AES шифрлаш алгоритми S–блоклари Ниберг конструкцияси асосида ишлаб чиқилган. Ниберг конструкцияси эса $GF(2^k)$ Галуа майдонида $b = A \cdot y + a, \quad a,b \in GF(2^k)$ аффин акслантириш билан комбинациялашган $y = x^{-1} \bmod[f(z), p], \quad x,y \in GF(2^k)$ кўринишдаги мультипликатив тескари элементлар кўринишдаги акслантиришни ифодалайди, бу ерда $f(z) = z^8 + z^4 + z^2 + z + 1$–*GF(2)* да келтирилмайдиган кўпҳад, A–$k \times k$ ўлчамли нолга тенг бўлмаган матрица, *a*–суриш вектори, *p*–кенгайтирилган Галуа майдони 2–характеристикаси ва 0^{-1}=0 каби қабул қилинган.

Ўлчами 8x8 бўлган S–блокларини генерация қилиш учун Ниберг конструкцияси *GenerSBox(m,b)* кўринишдаги қуйидагича умумлаштирилган:

$$\begin{pmatrix} s_7 \\ s_6 \\ s_5 \\ s_4 \\ s_3 \\ s_2 \\ s_1 \\ s_0 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} m_0 & m_1 & m_2 & m_3 & m_4 & m_5 & m_6 & m_7 \\ m_7 & m_0 & m_1 & m_2 & m_3 & m_4 & m_5 & m_6 \\ m_6 & m_7 & m_0 & m_1 & m_2 & m_3 & m_4 & m_5 \\ m_5 & m_6 & m_7 & m_0 & m_1 & m_2 & m_3 & m_4 \\ m_4 & m_5 & m_6 & m_7 & m_0 & m_1 & m_2 & m_3 \\ m_3 & m_4 & m_5 & m_6 & m_7 & m_0 & m_1 & m_2 \\ m_2 & m_3 & m_4 & m_5 & m_6 & m_7 & m_0 & m_1 \\ m_1 & m_2 & m_3 & m_4 & m_5 & m_6 & m_7 & m_0 \end{pmatrix} \begin{pmatrix} c_7 \\ c_6 \\ c_5 \\ c_4 \\ c_3 \\ c_2 \\ c_1 \\ c_0 \end{pmatrix} \oplus \begin{pmatrix} b_7 \\ b_6 \\ b_5 \\ b_4 \\ b_3 \\ b_2 \\ b_1 \\ b_0 \end{pmatrix}$$

бу erда $b=(b_0,b_1,b_2,b_3,b_4,b_5,b_6,b_7)$, $m=(m_0,m_1,m_2,m_3,m_4,m_5,m_6,m_7)$, $s=(s_0,s_1,s_2,s_3,s_4,s_5,s_6,s_7)$, $c=(c_0,c_1,c_2,c_3,c_4,c_5,c_6,c_7)$ ва a–акслантиришга кирувчи қиймат, s–акслантиришдан чиқувчи қиймат, $c=a^{-1}$. Агарда m, b b–константа ва a қиймат нолдан 255 гача ўзгарса, у ҳолда ўлчами 8x8 бўлган S–блок ҳосил бўлади, яъни $S_{8x8}=GenerSBox(m,b)$. AES шифрлаш алгоритми S–блоки сифатида $GenerSBox(241,99)$ акслантириш олинган. Алгоритм S–блоклари учун $NL(S)=112$, $\deg(S)=7$, $\lambda_F=32/256$, $\delta_F=4/256$, $Dd_j(S)=8$, $1\le j\le 8$ шарт бажарилади.

Ўлчами 4x4 бўлган S–блокларни генерация қилиш учун Ниберг конструкцияси $GenerSBox(m^0,m^1,m^2,m^3,b)$ кўринишда кўринишда қуйидагича умумлаштирилган:

$$\begin{pmatrix} s_3 \\ s_2 \\ s_1 \\ s_0 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} m_0^0 & m_1^0 & m_2^0 & m_3^0 \\ m_0^1 & m_1^1 & m_2^1 & m_3^1 \\ m_0^2 & m_1^2 & m_2^2 & m_3^2 \\ m_0^3 & m_1^3 & m_2^3 & m_3^3 \end{pmatrix} \begin{pmatrix} c_3 \\ c_2 \\ c_1 \\ c_0 \end{pmatrix} \oplus \begin{pmatrix} b_3 \\ b_2 \\ b_1 \\ b_0 \end{pmatrix}$$

бу erда c_i ва s_i–кирувчи ва чиқувчи қийматларнинг i–бити ва $s=(s_0,s_1,s_2,s_3)$, $c=(c_0,c_1,c_2,c_3)$, $b=(b_0,b_1,b_2,b_3)$, $m^0=(m_0^0,m_1^0,m_2^0,m_3^0)$, $m^1=(m_0^1,m_1^1,m_2^1,m_3^1)$, $m^2=(m_0^2,m_1^2,m_2^2,m_3^2)$, $m^3=(m_0^3,m_1^3,m_2^3,m_3^3)$, $c=a^{-1}$. Агарда m^0, m^1, m^2, m^3, b–константа ва a ўзгарувчи нолдан 15 гача ўзгарса, у ҳолда ўлчами 4x4 бўлган S–блок генерация қилинади.

Ниберг конструкцияси асосида

– ўлчами 8x8 бўлган S–блоклар генерация усули ва дастурий таъминоти яратилди, S–блоклар учун $NL(S)=112$, $\deg(S)=7$, $\lambda_F=32/256$, $\delta_F=4/256$, SAC=8, BIC=8 шартлар бажарилади, S–блоклар сони 32640 га тенг;

– саккизта ўзгарувчига эга буль функциялари генерация қилиш усули яратилди, бу буль функциялари учун $NL(f)=112$, $\deg(f)=7$, $Dd_j(f)\le 8$, $1\le j\le 8$ шартлар бажарилади, буль функциялар сони 256 га тенг ва генерация қилинган бул функциялари асосида S–блоклар яратиш мумкин, S–блоклар учун $NL(S)=112$, $\deg(S)=7$, $\lambda_F=32/256$, $\delta_F=4/256$, SAC=8, BIC=8 шартлар бажарилади;

– ўлчами 4x4 бўлган S–блоклар ишлаб чиқиш усули ва дастурий таъминоти яратилди, бу S–блоклар учун $NL(S)=4$, $\deg(S)=3$, $\lambda_F=8/16$, $\delta_F=6/16$, SAC=2, BIC=4 шартлар бажарилади, S–блоклар сони 221760 га тенг;

– тўртта ўзгарувчига эга буль функциялари генерация қилиш усули яратилди, бу буль функциялари учун $NL(f)=4$, $\deg(f)=3$, $Dd_j(f)\le 4$, $1\le j\le 4$ шартлар бажарилади, буль функциялар сони 28 га тенг ва генерация қилинган бул функциялари асосида 236544 та S–блоклар яратилган, S–блоклар учун $NL(S)=4$, $\deg(S)=3$, $\lambda_F=8/16$, $\delta_F=6/16$, SAC=2, BIC=4 бажарилади.

Ниберг конструкцияси учун қуйидаги иккита тасдиқ ўринли:

Тасдиқ 1. *GenerSBox(m,b)* кўринишда Ниберг конструкцияси асосида ўлчами 8x8 бўлган 32640 та бардошли S–блок ва 256 та буль функциялар генерация қилинади.

Тасдиқ 2. *GenerSBox(m^0,m^1,m^2,m^3,b)* кўринишда Ниберг конструкция–си асосида ўлчами 4x4 бўлган 221760 та бардошли S–блок ва 28 та буль функциялар генерация қилинади.

S–блокларни бардошлилигини ҳисоблашда умумий мураккаблик кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Умумий мураккаблик кўрсаткичи n=8 да қуйидагича аниқланган:

$$S^8_{index}=\frac{\frac{\deg(F)}{7}+\frac{NL(F)}{118}+\frac{258-\max XOR(a,b)}{256}+\frac{64-SAC}{64}+\frac{64-BIC}{64}}{5}$$

n=4 да умумий мураккаблик кўрсаткичи қуйидагича аниқланган:

$$S^4_{index}=\frac{\frac{\deg(F)}{3}+\frac{NL(F)}{4}+\frac{18-\max XOR(a,b)}{16}+\frac{16-SAC}{16}+\frac{16-BIC}{16}}{5}$$

Теорема 1. S–блок умумий мураккаблик кўрсаткичлари $0<S^8_{index}<1$, $0<S^4_{index}<1$ ва идеал S–блок учун $S^8_{index}=1$, $S^4_{index}=1$ бажарилади.

ГОСТ 28147–89 ва AES шифрлаш алгоритмлари учун қуйидаги тасдиқлар ўринли.

Тасдиқ 3. ГОСТ 28147–89 шифрлаш алгоритми биринчи ва тўртинчи S–блоки S^4_{index}=0,8, нолинчи S–блоки S^4_{index}=0,8083, иккинчи S–блоки S^4_{index}=0,775, учинчи ва еттинчи S–блоки S^4_{index}=0,6833, бешинчи S–блоки S^4_{index}=0,75, олтинчи S–блоки S^4_{index}=0,7083 га тенг.

Тасдиқ 4. AES шифрлаш алгоритми S–блоки S^8_{index}=0,9382 га тенг.

Диссертациянинг **«IDEA шифрлаш алгоритми структураси ва Лай–Месси схемаси асосида ишлаб чиқилган IDEAX–Y, RFWKIDEAX–Y кўринишдаги Лай–Месси тармоқлари»** деб номланган иккинчи бобида IDEA шифрлаш алгоритми структураси ва Лай–Месси схемаси асосида ишлаб чиқилган IDEAX–Y, RFWKIDEAX–Y кўринишдаги Лай–Месси тармоқлари келтирилган, бу ерда X–қисм блоклар сони, Y–раунд функциялар сони. Тармоқларнинг асосий афзалликлари шундан иборатки, шифрлашда ва

дешифрлашда битта алгоритмдан фойдаланилади, тармоқ раунд функцияси сифатида исталган акслантиришларни олиш мумкин.

IDEA4–2 тармоғи 3–расмда келтирилган бўлиб, X_0, X_1, X_2, X_3 қисм блоклар, $K_{6(i-1)}$, $K_{6(i-1)+1}$, $K_{6(i-1)+2}$, $K_{6(i-1)+3}$, $i=\overline{1...n+1}$ раунд калитлари, F_0, F_1 раунд функцияларга кирувчи ва раунд функциялардан чиқувчи қисм блоклар узунлиги 32 (16) битга тенг. $K_{6(i-1)+4}$, $K_{6(i-1)+5}$, $i=\overline{1...n}$ раунд калитлари узунлиги эса 32 (16) битга тенг бўлиши шарт эмас.

Тармоқдаги z_0, z_1 амаллари сифатида $\otimes$ (mul), $\boxplus$ (add) ва $\oplus$ (xor) амалларини олинган. Бу ерда $\otimes$–32 (16) битли блокларни $2^{32}+1$ ($2^{16}+1$) модул бўйича кўпайтириш амали, $\boxplus$–32 (16) битли блокларни 2^{32} (2^{16}) модул бўйича қўшиш амали ва $\oplus$–32 (16) битли блокларни XOR бўйича қўшиш амали.



3–расм. IDEA4–2 тармоғи схемаси

n–раундли IDEA4–2 тармоғида ҳар бир раундда олтита ва чиқувчи акслантиришда тўртта раунд калити қўлланилган, яъни жами раунд калитлари сони 6*n*+4 га тенг. Шифрлашда 3–расмдаги K_i ўрнига K_i^c шифрлаш раунд калитлари, дешифрлашда эса K_i^d дешифрлаш раунд калитлари қўлланилади.

IDEA4–2 тармоғи биринчи раунд дешифрлаш раунд калитлари шифрлаш раунд калитларига (1) бўйича, чиқувчи акслантириш дешифрлаш раунд калитлари шифрлаш раунд калитларига (2) бўйича ва иккинчи, учинчи, *n*–раунд дешифрлаш раунд калитлари шифрлаш раунд калитларига (3) бўйича боғланган:

$$(K_0^d, K_1^d, K_2^d, K_3^d, K_4^d, K_5^d) = ((K_{6n}^c)^{z_0}, (K_{6n+1}^c)^{z_1}, (K_{6n+2}^c)^{z_1}, (K_{6n+3}^c)^{z_0}, K_{6(n-1)+4}^c, K_{6(n-1)+5}^c) \quad (1)$$

$$(K_{6n}^d, K_{6n+1}^d, K_{6n+2}^d, K_{6n+3}^d) = ((K_0^c)^{z_0}, (K_1^c)^{z_1}, (K_2^c)^{z_1}, (K_3^c)^{z_0}) \quad (2)$$

$$(K_{6(i-1)}^d, K_{6(i-1)+1}^d, K_{6(i-1)+2}^d, K_{6(i-1)+3}^d, K_{6(i-1)+4}^d, K_{6(i-1)+5}^d) = ((K_{6(n-i+1)}^c)^{z_0}, (K_{6(n-i+1)+2}^c)^{z_1}, (K_{6(n-i+1)+1}^c)^{z_1}, (K_{6(n-i+1)+3}^c)^{z_0}, K_{6(n-i)+4}^c, K_{6(n-i)+5}^c), i = \overline{2...n}. \quad (3)$$

Агарда z_0, z_1 амаллар сифатида mul қўлланилса, $K = K^{-1}$, add қўлланилса, $K = -K$ ва xor қўлланилса, $K = K$, бу ерда $K^{-1} - K$ сонининг мультипликатив инверсияси, $-K - K$ сонининг аддитив инверсияси. 32 битли сонлар учун $K \otimes K^{-1} = 1 \bmod(2^{32}+1)$, 16 битли сонлар учун $K \otimes K^{-1} = 1 \bmod(2^{16}+1)$ ва $-K \boxplus K = 0$, $K \oplus K = 0$.

IDEA4–2 тармоғи учун қуйидаги теорема ўринли:

Теорема 2. IDEA4–2 тармоғи дешифрлаш раунд калитлари (1)–(3) формулалар орқали ҳисобланганда шифрлаш ва дешифрлашда ягона алгоритмга асосланган.

IDEA4–2 тармоғи асосида раунд функцияси иккита кирувчи ва чиқувчи қисм блокга эга, раунд функциясида битта раунд калити қўлланилган IDEA4–1 тармоғи, IDEA4–2 ва IDEA4–1 тармоқларини раунд функциялари калитсиз қўлланилган кўриниши бўлган RFWKIDEA4–2, RFWKIDEA4–1 тармоқлари ишлаб чиқилган.

Худди шунингдек, саккизта, ўн олтита, ўттиз иккита ва 2m та қисм блокдан ташкил топган тармоқлар ишлаб чиқилган. Умумий ҳолатда тармоқларни IDEAX–Y, RFWKIDEAX–Y кўринишга келтириш мумкин, бу ерда X–қисм блоклар сони, Y–раунд функциялар сони. IDEAX–Y кўринишдаги тармоқда раунд калитлари сони (X+Y)n+X га, RFWKIDEAX–Y кўринишдаги тармоқда эса Xn+X га тенг. Масалан, IDEA8–4 тармоғи саккизта қисм блок ва тўртта раунд функциядан ташкил топган бўлиб, ҳар бир раунд функциясига битта қисм блок киради ва чиқади, RFWKIDEA32–2 тармоғи ўттиз иккита қисм блок ва иккита раунд функциядан ташкил топган бўлиб, ҳар бир раунд функциясига қирувчи ва чиқувчи қисм блоклар сони саккизга тенг. Раунд функцияларга кирувчи ва чиқувчи қисм блоклар сони R=(X/Y)/2 бўйича ҳисобланади.

IDEAX–Y, RFWKIDEAX–Y (X>4) кўринишдаги тармоқларда амаллар сони X/2 га тенг бўлиб, амаллари сифатида ⊗–32 (16, 8) битли блокларни $2^{32}+1$ ($2^{16}+1$, 2^8+1) модул бўйича кўпайтириш, ⊞–32 (16, 8) битли блокларни 2^{32} (2^{16}, 2^8) модул бўйича қўшиш ва ⊕–32 (16, 8) битли блокларни XOR бўйича қўшиш амаллари олинган.

Диссертациянинг **«PES шифрлаш алгоритми структураси ва Лай–Месси схемаси асосида ишлаб чиқилган PESX–Y, RFWKPESX–Y кўринишдаги Лай–Месси тармоқлари»** деб номланган учинчи бобида PES

шифрлаш алгоритми структураси ва Лай–Месси схемаси асосида ишлаб чиқилган PESX–Y, RFWKPESX–Y кўринишдаги Лай–Месси тармоқлари келтирилган. Тармоқларнинг асосий афзалликлари шундан иборатки, шифрлашда ва дешифрлашда битта алгоритмдан фойдаланилади, тармоқ раунд функцияси сифатида исталган акслантиришларни олиш мумкин.

PES4–2 тармоғи 4–расмда келтирилган бўлиб, X^0, X^1, X^2, X^4 қисм блоклар, $K_{6(i-1)}$, $K_{6(i-1)+1}$, $K_{6(i-1)+2}$, $K_{6(i-1)+3}$, $i=\overline{1...n+1}$ раунд калитлари, F_0, F_1 раунд функцияларга кирувчи ва раунд функциядан чиқувчи қисм блоклар узунлиги 32 (16) битга тенг. $K_{6(i-1)+4}$, $K_{6(i-1)+5}$, $i=\overline{1...n}$ раунд калитлари узунлиги эса 32 (16) битга тенг бўлиши шарт эмас.



4–расм. PES4–2 тармоғи схемаси

n–раундли PES4–2 тармоғида ҳар бир раундда олтита ва чиқувчи акслантиришда тўртта раунд калити иштирок этади, яъни жами раунд калитлари сони 6*n*+4 га тенг. PES4–2 тармоғи чиқувчи акслантириш дешифрлаш раунд калитлари шифрлаш раунд калитларига (4) бўйича, биринчи, иккинчи ва *n*–раунд дешифрлаш раунд калитлари шифрлаш раунд калитларига (5) бўйича боғланган:

$$(K^d_{6n}, K^d_{6n+1}, K^d_{6n+2}, K^d_{6n+3}) = ((K^c_0)^{z_0}, (K^c_1)^{z_0}, (K^c_2)^{z_1}, (K^c_3)^{z_1}) \qquad (4)$$

$$(K^d_{6(i-1)}, K^d_{6(i-1)+1}, K^d_{6(i-1)+2}, K^d_{6(i-1)+3}, K^d_{6(i-1)+4}, K^d_{6(i-1)+5}) = ((K^c_{6(n-i+1)})^{z_0}, (K^c_{6(n-i+1)+1})^{z_0}, (K^c_{6(n-i+1)+2})^{z_1}, (K^c_{6(n-i+1)+3})^{z_1}, K^c_{6(n-i)+4}, K^c_{6(n-i)+5}), i = \overline{1...n}. \quad (5)$$

PES4–2 тармоғи учун қуйидаги теорема ўринли:

Теорема 3. PES4–2 тармоғи дешифрлаш раунд калитлари (4), (5) формулалар орқали ҳисобланганда шифрлаш ва дешифрлашда ягона алгоритмга асосланган.

Худди шунингдек, тўртта, саккизта, ўн олтита, ўттиз иккита ва 2m та қисм блокдан ташкил топган тармоқлар ишлаб чиқилган. Умумий ҳолатда тармоқларни PESX–Y, RFWKPESX–Y кўринишга келтириш мумкин, IDEAX–Y кўринишдаги тармоқда раунд калитлари сони (X+Y)n+X га, RFWKIDEAX–Y кўринишдаги тармоқда эса Xn+X га тенг. Масалан, PES16–4 тармоғи ўн олтита қисм блок ва тўртта раунд функциядан ташкил топган бўлиб, ҳар бир раунд функциясига иккита кирувчи ва чиқувчи қисм блокга эга.

PESX–Y, RFWKPESX–Y кўринишдаги тармоқларда амаллар сони иккита бўлиб, амаллари сифатида ⊗–32 (16, 8) битли блокларни $2^{32}+1$ ($2^{16}+1$, 2^8+1) модул бўйича кўпайтириш, ⊞–32 (16, 8) битли блокларни 2^{32} (2^{16}, 2^8) модул бўйича қўшиш ва ⊕–32 (16, 8) битли блокларни XOR бўйича қўшиш амаллари олинган.

Диссертациянинг **«AES шифрлаш алгоритми раунд функциясини Лай–Месси тармоқлари раунд функцияси сифатида қўллаш натижасида ишлаб чиқилган шифрлаш алгоритмлари»** деб номланган тўртинчи бобида AES шифрлаш алгоритми раунд функциясини Лай–Месси тармоқлари раунд функцияси сифатида қўллаш ҳисобига ишлаб чиқилган шифрлаш алгоритмлари келтирилган, тезлиги ва бардошлиги баҳоланган.

AES–IDEA8–1 ва AES–PES8–1 шифрлаш алгоритмлари схемаси 5 ва 6–расмларда келтирилган бўлиб X^0, X^1, ..., X^7 қисм блоклар, $K_{9(i-1)}$, $K_{9(i-1)+1}$, ..., $K_{9(i-1)+7}$, $i = \overline{1...n+1}$, K_{9n+8}, K_{9n+9}, ..., K_{9n+23} раунд калитлари узунлиги 32 битга тенг. $K_{9(i-1)+8}$, $i = \overline{1...n}$ раунд калити узунлиги эса 128 битга тенг ва бу калит AddRoundKey() акслантириши калит массиви сифатида олинади. Шифрлаш алгоритмларида AES шифрлаш алгоритмининг SubBytes(), ShiftRows(), MixColumns(), AddRoundKey() акслантиришлари қўлланилган.

Шифрлаш алгоритмлари раунд функциясида 32 битли T^0, T^1, ..., T^3 қисм блоклар 8 битли қисм блокларга ажратилади, яъни $t_i = sb_{i \bmod 4}(T^{idiv4})$, $i = \overline{0...15}$. Бу ерда div–бўлинманинг бутун қисми, mod–бўлинманинг қолдиқ қисми, $sb_0(X) = x_0x_1...x_7$, $sb_1(X) = x_8x_9...x_{15}$, $sb_2(X) = x_{16}x_{17}...x_{23}$, $sb_3(X) = x_{24}x_{25}...x_{31}$ ва $X = x_0x_1...x_{31}$. 8 битли t_0, t_1, ... t_{15} қисм блоклар State массивига ёзилади. AddRoundKey() акслантиришида 128 битли $K_{9(i-1)+8}$ раунд калити 32 битли $K^0_{9(i-1)+8}$, $K^1_{9(i-1)+8}$, $K^2_{9(i-1)+8}$, $K^3_{9(i-1)+8}$ раунд калитларига бўлинади. 32 битли $K^0_{9(i-1)+8}$, $K^1_{9(i-1)+8}$, $K^2_{9(i-1)+8}$, $K^3_{9(i-1)+8}$ калитлар 8 битли k_0, k_1, ..., k_{15} калитларга ажратилади, яъни $k_i = sb_{i \bmod 4}(K^{idiv4}_{9(i-1)+8})$. Сўнгра SubBytes(),

ShiftRows(), MixColumns(), AddRoundKey() акслантиришлари бажарилади. AddRoundKey() акслантиришидан сўнг 8 битли p'_0, p'_1, ..., p'_{15} қисм блоклар ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган 8 битли p'_0, p'_1, ..., p'_{15} қисм блоклар 32 битли Y^0, Y^1, …, Y^3 қисм блокларга қуйидагича ёзилади: $Y^j = p'_{4j} \| p'_{4j+1} \| p'_{4j+2} \| p'_{4j+3}$, $j = \overline{0...3}$.



5–расм. AES–IDEA8–1 шифрлаш алгоритми схемаси



6–расм. AES–PES8–1 шифрлаш алгоритми схемаси

n–раундли AES–IDEA8–1 ва AES–PES8–1 шифрлаш алгоритмларида ҳар бир раундда саккизта 32 битли, битта 128 битли ва чиқувчи акслантиришда саккизта 32 битли раунд калитлари қўлланилади. Бундан ташқари биринчи раундгача ва чиқувчи акслантиришдан сўнг саккизта 32 битли раунд калитлари иштирок этган. 128 битли калит тўртта 32 битли калит сифатида қабул қилинса, барча 32 битли раунд калитлари сони 12*n*+24 га тенг.

Шифрлаш алгоритмлари шифрлаш раунд калитларини ҳосил қилишда AES шифрлаш алгоритми каби Rcon массивидан фойдаланилади. Rcon=[0x00000001, 0x00000002, 0x00000004, 0x00000008, 0x00000010, 0x00000020, 0x00000040, 0x00000080, 0x00000100, 0x00000200, 0x00000400, 0x00000800, 0x00001000, 0x00002000, 0x00004000, 0x00008000, 0x00010000, 0x00020000, 0x00040000, 0x00080000, 0x00100000, 0x00200000, 0x00400000, 0x00800000, 0x01000000, 0x02000000, 0x04000000, 0x08000000, 0x10000000,

0x20000000, 0x40000000, 0x80000000], яъни ўттиз иккита 32 битли қийматдан ташкил топган.

Шифрлаш алгоритмларининг узунлиги l ($256 \le l \le 1024$) битга тенг K калити 32 битли $K_0^{c'}$, $K_1^{c'}$, ..., $K_{Lenght-1}^{c'}$, $Lenght = l/32$ калитларга ажратилади, бу ерда $K = \{k_0, k_1, ..., k_{l-1}\}$, $K_0^{c'} = \{k_0, k_1, ..., k_{31}\}$, $K_1^{c'} = \{k_{32}, k_{33}, ..., k_{63}\}$, ..., $K_{Lenght-1}^{c'} = \{k_{l-32}, k_{l-31}, ..., k_{l-1}\}$ ва $K = K_0^{c'} \| K_1^{c'} \| ... \| K_{Lenght-1}^{c'}$. Сўнгра $K_L = K_0^{c'} \oplus K_1^{c'} \oplus ... \oplus K_{Lenght-1}^{c'}$ ҳисобланади. Агарда $K_L = 0$ бўлса, у ҳолда K_L сифатида 0xC5C31537 қиймат олинади, яъни $K_L = 0$xC5C31537. $K_i^{c'}$, $i = \overline{Lenght...12n+23}$ раунд калитлари эса $i \bmod 3 = 1$ шарт бажарилганда $K_i^{c'} = SubBytes32(K_{i-Lenght+1}^{c'}) \oplus SubBytes32(RotWord32(K_{i-Lenght}^{c'})) \oplus Rcon[i \bmod 32] \oplus K_L$ каби, акс ҳолда $K_i^{c'} = SubBytes32(K_{i-Lenght}^{c'}) \oplus SubBytes32(K_{i-Lenght+1}^{c'}) \oplus K_L$ каби ҳисобланади. Ҳар бир раунд калити генерация қилингандан сўнг K_L қиймат чапга бир бит циклик сурилади. Бу ерда *Rotword32()*–32 битли блокни чапга бир бит циклик суриш акслантириши, *SubBytes32()*–32 битли блокни S–блокда ўрнига қўйиш акслантириши, яъни $SubBytes32(X) = S(sb_0(X)) \| S(sb_1(X)) \| S(sb_2(X)) \| S(sb_3(X))$.

AES–IDEA8–1 шифрлаш алгоритми биринчи раунд дешифрлаш калитлари шифрлаш раунд калитларига (6) бўйича, чиқувчи акслантириш дешифрлаш раунд калитлари шифрлаш раунд калитларига (7) бўйича, иккинчи, учинчи, *n*–раунд дешифрлаш раунд калитлари шифрлаш раунд калитларига (8) бўйича боғланган:

$$(K_0^{d'}, K_1^{d'}, K_2^{d'}, K_3^{d'}, K_4^{d'}, K_5^{d'}, K_6^{d'}, K_7^{d'}, K_8^{d'}, K_9^{d'}, K_{10}^{d'}, K_{11}^{d'}) = (-K_{12n}^{c'}, (K_{12n+1}^{c'})^{-1}, -K_{12n+2}^{c'}, (K_{12n+3}^{c'})^{-1}, (K_{12n+4}^{c'})^{-1}, -K_{12n+5}^{c'}, (K_{12n+6}^{c'})^{-1}, -K_{12n+7}^{c'}, K_{12(n-1)+8}^{c'}, K_{12(n-1)+9}^{c'}, K_{12(n-1)+10}^{c'}, K_{12(n-1)+11}^{c'}). \quad (6)$$

$$(K_{12n}^{d'}, K_{12n+1}^{d'}, K_{12n+2}^{d'}, K_{12n+3}^{d'}, K_{12n+4}^{d'}, K_{12n+5}^{d'}, K_{12n+6}^{d'}, K_{12n+7}^{d'}) = (-K_0^{c'}, (K_1^{c'})^{-1}, -K_2^{c'}, (K_3^{c'})^{-1}, (K_4^{c'})^{-1}, -K_5^{c'}, (K_6^{c'})^{-1}, -K_7^{c'}). \quad (7)$$

$$(K_{12(i-1)}^{d'}, K_{12(i-1)+1}^{d'}, K_{12(i-1)+2}^{d'}, K_{12(i-1)+3}^{d'}, K_{12(i-1)+4}^{d'}, K_{12(i-1)+5}^{d'}, K_{12(i-1)+6}^{d'}, K_{12(i-1)+7}^{d'}, K_{12(i-1)+8}^{d'}, K_{12(i-1)+9}^{d'}, K_{12(i-1)+10}^{d'}, K_{12(i-1)+11}^{d'}) = (-K_{12(n-i+1)}^{c'}, (K_{6(n-i+1)+6}^{c'})^{-1}, -K_{12(n-i+1)+5}^{c'}, (K_{12(n-i+1)+4}^{c'})^{-1}, (K_{12(n-i+1)+3}^{c'})^{-1}, -K_{6(n-i+1)+2}^{c'}, (K_{12(n-i+1)+1}^{c'})^{-1}, -K_{12(n-i+1)+7}^{c'}, K_{12(n-i)+8}^{c'}, K_{12(n-i)+9}^{c'}, K_{12(n-i)+10}^{c'}, K_{12(n-i)+11}^{c'}), i = \overline{2...n}. \quad (8)$$

AES–PES8–1 шифрлаш алгоритми биринчи, иккинчи *n*–раунд дешифрлаш раунд калитлари шифрлаш раунд калитларига (9) бўйича, чиқувчи акслантириш дешифрлаш раунд калитлари шифрлаш раунд калитларига (10) бўйича боғланган:

$$(K_{12(i-1)}^{d'}, K_{12(i-1)+1}^{d'}, K_{12(i-1)+2}^{d'}, K_{12(i-1)+3}^{d'}, K_{12(i-1)+4}^{d'}, K_{12(i-1)+5}^{d'}, K_{12(i-1)+6}^{d'}, K_{12(i-1)+7}^{d'}, K_{12(i-1)+8}^{d'}, K_{12(i-1)+9}^{d'}, K_{12(i-1)+10}^{d'}, K_{12(i-1)+11}^{d'}) = (-K_{12(n-i+1)}^{c'}, -K_{12(n-i+1)+1}^{c'}, -K_{12(n-i+1)+2}^{c'}, -K_{12(n-i+1)+3}^{c'}, (K_{12(n-i+1)+4}^{c'})^{-1}, (K_{12(n-i+1)+5}^{c'})^{-1}, (K_{12(n-i+1)+7}^{c'})^{-1}, (K_{12(n-i+1)+7}^{c'})^{-1}, K_{12(n-i)+8}^{c'}, K_{12(n-i)+9}^{c'}, K_{12(n-i)+10}^{c'}, K_{12(n-i)+11}^{c'}), i = \overline{1...n}. \quad (9)$$

$$(K_{12n}^{d'}, K_{12n+1}^{d'}, K_{12n+2}^{d'}, K_{12n+3}^{d'}, K_{12n+4}^{d'}, K_{12n+5}^{d'}, K_{12n+6}^{d'}, K_{12n+7}^{d'}) = (-K_0^{c'}, -K_1^{c'}, -K_2^{c'}, -K_3^{c'}, (K_4^{c'})^{-1}, (K_5^{c'})^{-1}, (K_6^{c'})^{-1}, (K_7^{c'})^{-1}). \quad (10)$$

Биринчи раундгача ва чиқувчи акслантиришдан сўнг қўлланилган дешифрлаш раунд калитлари шифрлаш раунд калитларига қуйидагича боғланган: $K_{12n+8+j}^{d'} = K_{12n+16+j}^{c'}$, $K_{12n+16+j}^{d'} = K_{12n+8+j}^{c'}$, $j = \overline{0...7}$.

K_i^c шифрлаш раунд калити $K_i^{c'}$ калитга қуйидагича боғланган: $K_{9i+j}^c = K_{12i+j}^{c'}$, $j = \overline{0...7}$, $K_{9i+8}^c = K_{12i+8}^{c'} \| K_{12i+9}^{c'} \| K_{12i+10}^{c'} \| K_{12i+11}^{c'}$, $K_{9n+j}^c = K_{12n+j}^{c'}$, $j = \overline{0...7}$, $K_{9n+8+j}^c = K_{12n+8+j}^{c'}$, $j = \overline{0...15}$. Худди шунингдек, K_i^d дешифрлаш раунд калити $K_i^{d'}$ калитга қуйидагича боғланган: $K_{9i+j}^d = K_{12i+j}^{d'}$, $j = \overline{0...7}$, $K_{9i+8}^d = K_{12i+8}^{d'} \| K_{12i+9}^{d'} \| K_{12i+10}^{d'} \| K_{12i+11}^{d'}$, $K_{9n+j}^d = K_{12n+j}^{d'}$, $j = \overline{0...7}$, $K_{9n+8+j}^d = K_{12n+8+j}^{d'}$, $j = \overline{0...15}$.

IDEAX–Y, PESX–Y, RFWKIDEAX–Y, RFWKPESX–Y кўринишдаги тармоқлар раунд функциялари сифатида AES алгоритми акслантиришларини қўллаш ҳисобига AES–IDEAX–Y, AES–PESX–Y, AES–RFWKIDEAX–Y, AES–RFWKPESX–Y кўринишдаги шифрлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган. AES–IDEAX–Y, AES–PESX–Y кўринишдаги алгоритмларда SubBytes(), ShiftRows(), MixColumns(), AddRoundKey() акслантириши қўлланилган бўлса, AES–RFWKIDEAX–Y, AES–RFWKPESX–Y кўринишдаги шифрлаш алгоритмларда SubBytes(), ShiftRows(), MixColumns() акслантириши қўлланилган. Барча шифрлаш алгоритмлари калит узунлиги 256 битдан 1024 битгача 128 бит қадам билан ўзгаради. AES–IDEA8–1, AES–PES8–1, AES–RFWKIDEA8–1, AES–RFWKPES8–1, AES–IDEA16–1, AES–PES16–1, AES–RFWKIDEA16–1, AES–RFWKPES16–1, AES–IDEA32–1, AES–PES32–1, AES–RFWKIDEA32–1, AES–RFWKPES32–1 шифрлаш алгоритмлари блок узунлиги 256 битга, AES–IDEA16–2, AES–PES16–2, AES–RFWKIDEA16–2, AES–RFWKPES16–2 шифрлаш алгоритмлари блок узунлиги 512 битга, AES–IDEA32–4, AES–PES32–4, AES–RFWKIDEA32–4, AES–RFWKPES32–4 шифрлаш алгоритмлари блок узунлиги 1024 битга тенг. AES–IDEA16–1, AES–PES16–1, AES–RFWKIDEA16–1, AES–RFWKPES16–1 шифрлаш алгоритмлари қисм блоклари узунлиги 16 битга, AES–IDEA32–1, AES–PES32–1, AES–RFWKIDEA32–1, AES–RFWKPES32–1 шифрлаш алгоритмлари қисм блоклари узунлиги 8 битга ва қолган бошқа алгоритмлар қисм блоклари узунлиги 32 битга тенг. Шифрлаш алгоритмларнинг тезликлари 3–жадвалда келтирилган.

Шифрлаш алгоритмларининг S–блоклари параметрлари AES шифрлаш алгоритми параметрларига тенг, яъни $\deg(S) = 7$, $NL(S) = 112$, $\lambda_F = 0.125$, $\delta_F = 1/64$, SAC=8, BIC=8. Шифрлаш алгоритмлари учун қуйидаги тасдиқ ўринли:

Тасдиқ 5. AES–IDEAX–Y, AES–PESX–Y, AES–RFWKIDEAX–Y, AES–RFWKPESX–Y кўринишдаги шифрлаш алгоритмлари S–блоклари умумий мураккаблик кўрсаткичи S_{index}^8=0,9382 га тенг, яъни AES шифрлаш алгоритми умумий мураккаблик кўрсаткичига тенг.

AES–IDEA8–1, AES–PES8–1, AES–RFWKIDEA8–1, AES–RFWKPES8–1, AES–IDEA16–1, AES–PES16–1, AES–RFWKIDEA16–1, AES–RFWKPES16–1, AES–IDEA32–1, AES–PES32–1, AES–RFWKIDEA32–1, AES–RFWKPES32–1 шифрлаш алгоритмларининг исталган блокидаги ўзгариши кўпи билан икки раунддан сўнг, қолган барча шифрлаш алгоритмларида эса кўпи билан уч раунддан сўнг таъсир этади. Шунингдек,

барча шифрлаш алгоритмларда калитнинг битта бити ўзгариши биринчи раунддан сўнг барча блокларга таъсир этади.

3–жадвал

Шифрлаш алгоритмлари тезликлари (Мбайт/с)

Шифрлаш алгоритми	10 раундли	12 раундли	14 раундли
AES	≈12.812	≈10.682	≈9.224
AES–IDEA8–1, AES–PES8–1	≈14.914	≈12.444	≈10.862
AES–RFWKIDEA8–1	≈16.862	≈14.244	≈12.330
AES–RFWKPES8–1	≈16.862	≈14.244	≈12.330
AES–IDEA16–1, AES–PES16–1	≈15.444	≈12.952	≈11.242
AES–RFWKIDEA16–1	≈17.808	≈14.902	≈12.944
AES–RFWKPES16–1	≈17.808	≈14.902	≈12.944
AES–IDEA32–1, AES–PES32–1	≈15.534	≈13.080	≈11.248
AES–RFWKIDEA32–1	≈17.094	≈14.566	≈12.444
AES–RFWKPES32–1	≈17.094	≈14.566	≈12.444
AES–IDEA16–2, AES–PES16–2	≈15.082	≈12.570	≈10.770
AES–RFWKIDEA16–2	≈17.294	≈14.082	≈12.330
AES–RFWKPES16–2	≈17.294	≈14.082	≈12.330
AES–IDEA32–4, AES–PES32–4	≈15.082	≈12.820	≈10.774
AES–RFWKIDEA32–4	≈16.876	≈14.184	≈12.210
AES–RFWKPES32–4	≈16.876	≈14.184	≈12.210

